



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Холмаматов Фарҳоджон Кубаевич,

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор

E-mail: fkholmamатов@gmail.com

ORCID: 0000-0003-4186-0691

ANALYSIS OF THE FINANCIAL STABILITY OF THE BANKING SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Kholmamатов Farhodjon Kubaevich,

Doctor of Philosophy in Economics, Professor

E-mail: fkholmamатов@gmail.com

ORCID: 0000-0003-4186-0691

JEL Classification: G2, G21

Аннотация. Мақолада банк тизимининг молиявий барқарорлиги борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ёндашувлари, уларнинг ўзига хосликлари тадқиқ этилган. Мамлакатимиз банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган, хориж амалиёти билан солиштирилган ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Хусусан, мамлакат банк тизими кўрсаткичларининг ЯИМга нисбати, банк тизими капитал базаси ва таркиби, банк тизими ликвидлилик кўрсаткичлари, банкларнинг даромадлари ва харажатлари, банк капитал рентабеллиги ва активлар рентабеллиги ҳамда кредитлаш фаолияти таҳлил этилган.

Abstract. The article examines the approaches of foreign and local scientists to the financial stability of the banking system, and their peculiarities. The indicators of financial stability of the banking system of our country were analyzed, and compared with foreign practices, and appropriate conclusions and proposals were formulated.

In particular, the ratio of the indicators of the country's banking system to GDP, the capital base and structure of the banking system, indicators of liquidity of the banking system, income and expenses of banks, profitability of bank capital, and profitability of assets, and lending activities were analyzed.

Калим сўзлар: банк тизими молиявий барқарорлиги, банк капитали, рентабеллик, банк ликвидлиги, банк даромадлари ва харажатлари, кредит, депозит, регулятив капитал, банк фойдаси ва зарари, активлар сифати.

Keywords: financial stability of the banking system, bank capital, profitability, bank liquidity, bank income and expenses, credit, deposit, regulatory capital, bank profit and loss, asset quality.

Кириш

Ўзбекистонда банк тизими ислохотлари ҳал қилувчи босқичга қадам қўйди. 2020 йил 12 майда “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-

5992-сонли Фармоннинг қабул қилингани бунинг исботидир. Фармонда тижорат банклари олдида қўйилган асосий вазифа уларни капиталлаштириш ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган банкларни хусусийлаштириш, бунга биринчи навбатда хорижий инвесторларни жалб қилишдан иборат.[1]

Иқтисодиётда талабга боғлиқ ички ва ташқи омилларнинг рағбатлантирувчи таъсири сақланиб қолмоқда. Ташқи инфляцион вазиятнинг кескинлиги, аҳоли даромадларининг ўсиши баробарида, сўнгги ойларда базавий инфляция динамикасининг нисбатан кучайишида ўз ифодасини топди. Асосий ставканинг ҳозирги даражаси иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шартларини сақлаб қолиш учун етарли деб баҳоланади. Юзага келаётган шароитлардан ва фискал сиёсат хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кейинги чорақларда умумий талаб ва таклифни мувозанатлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш зарурати пайдо бўлиши мумкин.

Материал ва метод. Халқаро банк амалиётида банк тизими барқарорлигини оширишнинг методологик, илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги устувор йўналишлар: тижорат банклари активларининг ликвидлилиги, рисклилиги ва даромадлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш; банкларда кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш; банк тизими барқарорлигини оширишнинг иқтисодий-математик моделларидан фойдаланиш ва прогноз қилиш орқали мустаҳкамлашни такомиллаштириш; банк тизимида капитал етарлилигини халқаро нормаларга мослаштириш ва уни доимий ошириб бориш чораларини кўриш, банкларда рентабеллик кўрсаткичларини

ошириш ва бозор рискинни пасайтириш бўйича изланишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодчи олимлардан Л.Лавен ва Г.Майнони фикрича, “иқтисодий ўсиш даврида молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун етарли резервлар яратадиган банклар иқтисодий таназзулнинг салбий оқибатларини минималлаштириши ва кредит таклифини юқори даражада сақлаши мумкин”.[2]

К.Суровнева илмий тадқиқотларида “банкнинг молиявий ҳолати унинг қолган барча соҳаларидаги фаолиятига, шунингдек, молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Банкнинг молиявий барқарорлиги унинг ликвидлилиги билан узвий боғлиқдир” дея фикр билдирган.[3]

Маҳаллий иқтисодчилардан А.Абдуллаев “тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмини тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарур”, деб таъриф берган.[4]

А.Маҳмудалиева “тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги-бу банк активлари, мажбуриятлари, капитали ва молиявий натижалари динамикасининг йўл қўйиш мумкин бўлган хатар шароитида, ликвидликни сақлаган ҳолда, фойда ва капитални ўстириш асосидаги банк ривожланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар йиғиндиси”.[5]

Р.Бозоров “тижорат банклари барқарорлик турлари исталган тижорат банклари учрайди ва уни банклар ўзаро бир-бирини боғлиқ ҳолда фаолиятида таҳлил этиб бориш натижасида, барқарорликнинг турлари ичида энг асосий, барқарорлик базаси бу молиявий барқарорлик эканлиги, молиявий барқарорлик тижорат банклари фаолиятини бирламчи ва асосий тури эканлиги” аниқланган.[6]

Х.Азимова банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида “тижорат банкларида кредитлашни асосан бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизациялаш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш орқали тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш янада такомиллаштириш лозим” дея таъкидлайди.[7]

Н.Шарипованинг фикрига кўра, “Марказий банкда банк ва молия-кредит соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларининг олдини олиш ҳамда молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш ва текшириш (FINCERT) марказини ташкил этиш баробарида ушбу марказнинг фаолиятида ҳамдўстлик мамлакатларининг тартибга солувчи органлари билан ҳамкорлик ўрнатишига ва киберхавфлар, хужумлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш” устувор йўналиш сифатида келтирилган.[8]

М.Аҳмедов тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтади, яъни “тижорат банклари узоқ муддатли ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг доимийлиги ҳисобга олиш, тижорат банклари узоқ муддатли ресурс базасини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва тижорат банклари узоқ муддатли ресурс базасини

шакллантиришда депозит бўлмаган ресурслари салмоғини янада ошириш” зарурлиги баён қилинган.[9]

Таҳлил. Охирги йилларда Марказий банк томонидан банк тизими молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш ҳамда ташқи иқтисодий хатарларнинг салбий таъсирларини юмшатиш ва банклар бардошлилигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётга ажратилган кредитлар, фискал рағбатлантиришлар ҳамда хусусий инвестициялар ҳажмининг ортиши иқтисодий ўсишни ялпи талаб томондан молиявий қўллаб-қувватловчи асосий омиллар бўлди.

Тижорат банклари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш мақсадида турли сценарийларда стресс-тестлар ўтказилиб, келгусида уларнинг капитали ва ликвидлигига бўлган салбий таъсирларни минималлаштириш бўйича пруденциал чоралар кўриб борилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, ундаги ҳар қандай ўзгаришлар банк тизимига таъсир қилади. Ўз навбатида, банкларда кузатилаётган ижобий ёки салбий ўзгаришлар ҳам иқтисодиётга ўз аксини топади. Шу жиҳатдан банк тизимининг асосий кўрсаткичларини мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатини ўрганиш улардаги боғлиқлик даражасини аниқлаб беришга хизмат қилади.

Қуйида банк тизими кўрсаткичларининг ўзгариши ва ЯИМга нисбатини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Банк тизими кўрсаткичларининг ЯИМга нисбати [11]

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023
ЯИМ (йиллик)*	407514,5	529391,4	602193,0	738425,2	888341,7
Банк активлари	214419,6	272726,9	366121,1	444922,5	556746,3
Активларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	52,6	51,5	60,8	60,3	62,7
Кредит қўйилмалари	167390,6	211580,5	276974,8	326385,6	390048,9
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фоизда	41,1	40,0	46,0	44,2	43,9
Депозитлар	70001,4	91009,0	114746,9	156189,8	216737,5
Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	17,2	17,2	19,1	21,2	24,4
Капитал	26678,9	51030,7	58351,3	70917,6	79565,4
Капиталнинг ЯИМга нисбати, фоизда	6,5	9,6	9,7	9,6	9,0

Сўнгги беш йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2,2 мартага ошиб, 2023 йил бошига 888,3 трлн сўмни ташкил этмоқда. Банк активлари мазкур даврда 2,6 мартага ошган ва 556,7 трлн сўмга етган. Банк активларининг мамлакат ЯИМга нисбати 10,1 фоиз бандга ошиб, 62,7 фоизни ташкил этган.

Кредит қўйилмаларининг ҳажми 2,3 мартага ошиб, ЯИМга нисбати 43,9 фоизни ташкил этмоқда. Банк депозитлари 3,1 мартага ошган ва жорий йил бошига 216,7 трлн сўмга етганлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Депозитларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 24,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич анча паст бўлиб, ривожланган давлатларнинг аксарияти 100 фоиздан юқори. Мисол учун Люксембургада 437 фоиз, Японияда 259 фоиз, Жанубий Кореяда 160 фоиз, Бельгияда 120 фоиз, Испанияда 119 фоизни ташкил этади. [10]

Банк капиталининг ЯИМга нисбати 6,5 фоиздан 9 фоизга ўсганлигини ижобий баҳолаш мумкин. Фикримизча, бу кўрсаткич етарли даражада эмас ва уни ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.


Банк тизими капитали таҳлили [11]

Кўрсаткичлар номи	01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.		01.01.2022 й.		01.01.2023 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
I даражали капитал	22146	91,40	43659	83,2	48140	82,8	58624	83,5	67793	81,3
<i>Асосий капитал</i>	22061	91,00	43622	83,1	48028	82,6	58429	83,2	67598	81,0
<i>Қўшимча капитал</i>	86	0,40	38	0,1	113	0,2	195	0,3	195	0,2
II даражали капитал	2085	8,60	8808	16,8	10022	17,2	11567	16,5	15620	18,7
Жами регулятив капитал	24231	100	52467	100	58162	100	70191	100	83413	100

Банк тизими жами регулятив капитали 2018 йилда 24,2 трлн сўмдан 2023 йилга келиб 83,4 трлн сўмга қадар ошган. Бунда I даражали капитал жами капиталнинг 81,3 фоизини ташкил этган бўлса, II даражали капитал 18,7 фоизни ташкил этган. I даражали капиталнинг мутлоқ катта қисми асосий капитал хиссасига тўғри келмоқда. Фикримизча, банк капитали юқори сифатли капиталдан ташкил топганлиги сабабли турли салбий ҳолатларнинг молиявий барқарорликка таъсирини камайтириш имконини беради.

2022 йилда банкларнинг капиталлашув даражаси 12 фоизга ошиб, йил якунлари бўйича қарийб 80 трлн сўмга, устав капитали миқдори 9 фоизга ўсиб, 60 трлн сўмга етди. Шунингдек, 2022 йил якунлари бўйича банк тизимида

регулятив капитал миқдори 83 трлн сўмга ва таваккалчиликка тортилган активлар 468 трлн сўмга етиб, капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,8 фоизни (*минимал талаб 13 фоиз*) ташкил этди ҳамда 2021 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,3 фоиз бандга ошди. Юқори ликвидли активлар ҳажмининг кўпайиши активлар таркибида бошқа банклардаги маблағларнинг 1,4 баробарга, давлат қимматли қоғозларининг 1,6 баробарга, банк кассаларидаги нақд пулларнинг 1,8 баробарга ошиши ҳисобига шаклланди. Натижада, юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 2022 йил бошига нисбатан 1,7 фоиз бандга ошиб, йил якунлари бўйича 19,4 фоизга (*минимал талаб 10 фоиз*) етди.



1-расм. Банк тизими ликвидлик динамикаси, фоизда [12]

Банк тизими ликвидлилик кўрсаткичларининг бир меъёра бўлиши ва минимал талабларнинг тўлиқ бажарилиши банк тизимида юзага келиши мумкин бўлган турли шоклардан сақланишга имкон беради.

Ликвидликни қоплаш меъёри минимал талабдан 2 баравар юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Хусусан, 2022 йилда Банк тизими бўйича ликвидликни қоплаш меъёри йил давомида 190 фоиздан 212 фоизгача (*минимал талаб 100 фоиз*) ошиши банк тизимида кутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банклар кейинги 30 кун давомида мижозлар олдидаги мажбуриятларни 2 баробар ортиги билан бажара олиш имкониятини яратди. Ушбу кўрсаткич бўйича миллий

ва хорижий валютада алоҳида минимал талабларнинг ўрнатилиши банк тизими бардошлилигини таъминлашга ва долларлашув даражасини пасайтиришга хизмат қилмоқда.

Соф барқарор молиялаштириш меъёрига ўрнатилган минимал талаб 100 фоиз этиб белгиланган бўлиб, 2022 йил охирида 115,6 фоизга етган. 2022 йилда узоқ муддатли молиялаштириш ҳажмига мос равишда барқарор манбаларни шакллантириш чораларининг ҳам кўриб борилиши банк тизимида соф барқарор молиялаштириш меъёрининг 2021 йилдаги 115 фоиздан 116 фоизгача ошишига хизмат қилди. Ушбу кўрсаткич миллий валютада 117 фоизни, хорижий валютада 113 фоизни ташкил этди

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими даромадлари ва харажатлари, млрд сўмда [12]


Банк тизими даромад ва харажатлари	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023
Фоизли даромадлар	14 517	25 500	37 067	47 392	61 728
Фоизли харажатлар	8 355	15 602	23 019	30 796	37 566
Фоизли маржа	6 162	9 898	14 048	16 595	24 162
Фоизсиз даромадлар	6 564	9 619	11 801	17 251	33 182
Фоизсиз харажатлар	1 343	2 856	3 516	4 944	11 812
Операцион харажатлар	5 583	6 814	8 145	10 998	14 877
Фоизсиз даромад (зарар)	-362	-51	140	1 309	6 494
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	1 746	3 856	6 354	12 221	13 863
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	196	299	873	333	4 213
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	3 858	5 693	6 961	5 351	12 579
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	659	1 012	1 318	1 465	2 587
Фойда бўйича тузатишлар	0	0		0,0	1,2
Соф фойда (зарар)	3 200	4 681	5 642	3 885	9 993

Сўнги беш йилда мамлакат банк тизими даромадлилик даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, фоизли маржа деярли 4 баробарга ўсиб, 2023 йил бошига 24,2 трлн сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

2022 йилда активлар сифатининг яхшиланиши ва кредитлар бўйича фоизли даромадларнинг ошиши ҳисобига банк тизими рентабеллик даражаси кўтарилди. 2022 йилда соф фоизли ҳамда фоизсиз даромадлар (мос равишда 4,9 ва 4,3 фоиз)

ҳисобига банк тизими бўйича активлар рентабеллигини оширувчи, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар (-3,6 фоиз) ҳамда операцион харажатлар (-3,0 фоиз) эса пасайтирувчи омиллардан бўлди.

Банк тизимида соф фоизли даромадларининг ошиши тижорий хизматлар кўламининг ортиши, имтиёзли ва директив кредитлар улушининг камайиб бориши, активлар сифатининг яхшиланиши билан изоҳланади.



2-расм. Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси, фоизда [12]

Банк активлар рентабеллиги даражаси банк тизимининг барқарорлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Унинг қанчалик юқори бўлиши банк реурсларидан самарали фойдаланганлигини ифодалайди. Банклар томонидан активлардан фойдаланиш


самарадорлигини баҳоловчи активлар рентабеллиги кўрсаткичи 2021 йилга келиб, 2020 йилдаги 2,2 фоиздан 1,3 фоизга пасайди. 2019-2021 йилларда рентабеллик даражаси 2,0-2,2 фоизни ташкил этган. 2022 йил якунлари бўйича банк тизими активлар рентабеллиги йил бошига нисбатан қарийб 2 баробарга

ошиб, 2,5 фоизни ва капитал рентабеллиги 13,3 фоизни ташкил этди.

2022 йилда соф фоизли ҳамда фоизсиз даромадлар (мос равишда 4,9 ва 4,3 фоиз) ҳисобига банк тизими бўйича активлар рентабеллигини оширувчи, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар (-3,6 фоиз) ҳамда операцион харажатлар (-3,0 фоиз) эса пасайтирувчи омиллардан бўлди.

Активлар рентабеллиги кўрсаткичи дунёнинг йирик тижорат

банкларида активлар ҳажмининг кўплиги ҳисобига нисбатан кичик даражани қайд этган. 2023 йил бошига АҚШнинг JP Morgan банкида 0,94 фоиз, Bank of America банкида 0,83 фоизни ташкил этган. Европа Иттифоқи давлатларида энг юқори кўрсаткичларни Словения (1,9 фоиз), Руминия (1,8 фоиз), Болгария (1,7 фоиз), Исландия (1,4 фоиз) ва Испания (1,2 фоиз) давлатлари банк тизими қайд этган. [13]



3-расм. Банк тизими капитал рентабеллиги (ROE) динамикаси, фоизда [12]

Банк тизими капитал рентабеллиги банкларда мавжуд капиталдан қай даражада самара фойдаланилганлигини ифодалайди. Капитал рентабеллиги 2019-2020 йилларда барқарор (16 фоиз), 2021-2022 йилларда пасайиш динамикасига эга. 2022 йилда кескин ошганлигини кўриш мумкин. Бунда, капитал рентабеллиги ўзгаришида соф фоизли маржа (3,4 фоиз), фоизсиз даромадларнинг активларга нисбати (6 фоиз), левераж коэффиценти

(0,6 фоиз), фойдага нисбатан солиқ юкининг камайиши (0,8 фоиз) каби омиллар ижобий таъсир этган бўлса, захираларнинг ўсиши (-2,5 фоиз) ҳамда фоизсиз харажатларнинг мажбуриятларга нисбати (-1,1 фоиз) салбий таъсир кўрсатди. Фикримизча, бунинг асосий сабаби банкларда муаммоли кредитларнинг камайиши, уларни балансдан чиқариши ва банк фойдасининг ошиши ҳисобланади.

4-жадвал.

Банклар томонидан ажратилган кредитларнинг сифати бўйича таснифи, фоизда [12]

йиллар	стандарт	субстандарт	қониқарсиз	шубҳали	умидсиз
2018 й	93,15	5,77	0,51	0,22	0,35
2019 й	89,47	9,03	0,65	0,28	0,57
2020 й	87,16	10,75	0,70	0,48	0,91
2021 й	87,46	7,34	1,68	0,94	2,58
2022 й	84,07	12,34	1,23	1,28	1,07

Банклар томонидан ажратилган кредитларнинг сифати доимий тарзда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом асосида олиб борилади. Тартибга асосан банк активлари, жумладан, кредитлар сифтаи жиҳатидан 5 та тоифага ажратилади.

Охирги беш йиллик даврда банк тизими кредитларининг сифати ёмонлашганлигини кўришимиз мумкин.

Стандарт кредитлар 9,1 фоиз бандга пасайиб, 2022 йил охирига 84,07 фоизни ташкил этган. Субстандарт кредитлар эса 2018 йилда 5,7 фоиздан 2022 йилга келиб 12,34 фоизга қадар ошган. Шунингдек, қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз кредитларнинг улуши ҳам ортиб борган. Хулоса қилиш мумкинки, банк тизими кредитлари сифати охирги йилларда кескин ёмонлашган, айниқса муаммоли кредитларнинг ортиши банк тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса. Сўнгги пайтларда иқтисодий ўсиш барқарор юқори динамикани намоён этмоқда. Талаб

тарafdан асосий ҳаракатлантирувчи куч – инвестициявий фаолликнинг нисбатан ўртача даражасида умумий истеъмолнинг ошаётганидир. 2022 йил якунларига кўра, ЯИМнинг ўсиш суръатлари Марказий банкнинг октябрь ойидаги прогнозига яқин бўлди, у 5,7 фоизни ташкил қилди.

2022 йилда фискал рағбатларнинг нисбатан ўртача бўлиши кутилаётганига қарамай, сўнгги 3 йилда қузатилган умумий талабдаги юқори фискал тақчиллик юзага келтирган самаранинг анча юқори рағбатлантирувчи таъсири ҳали-хануз сақланиб қолмоқда. Меҳнат бозорида барқарорликнинг сақланиши, иш ҳақининг ошиб бориши ҳамда катта ҳажмлардаги трансчегаравий пул ўтказмалари узок муддат фойдаланиладиган товарларга, шунингдек кўчмас мулкка бўлган талабни оширмоқда, бу эса, ўз навбатида, мазкур бўғинларда нархларнинг ошишига олиб келади.

Умуман, яқин даврларда иқтисодий фаолликда мақбул тенденцияларнинг шаклланиши ва сақланиб қолиши таклиф омилларининг барқарорлигига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, аномал об-ҳаво шароитлари туфайли таклиф тарafdан қисқа муддатли таваккалчиликлар пайдо бўлиши ва баъзи турдаги товарларни

ишлаб чиқариш ва етказиб беришга таъсир кўрсатиши мумкин. 2022 йил давомида иқтисодиёт ташқи шароитларга мослашиб борди. Ташқи иқтисодий хавф-хатарларнинг таъсири нисбатан қисқа муддатли бўлди ва дастлабки баҳоларга қарши ўлароқ, жиддий бўлмади, бу экспортдан ва трансчегаравий пул ўтказмаларидан валюта тушумларининг ўсишида намоён бўлди. Ташқи бозорларда мақбул нарх конъюнктурасининг кутилиши баробарида, глобал иқтисодиётнинг ҳамда савдодаги асосий ҳамкорлар иқтисодиётларининг ўсиши прогнозлари ёмонлашаётгани билан боғлиқ мавҳумлик ва таваккалчиликлар юқори даражада сақланиб қолмоқда. [12]

Мамлакат банк тизими барқарорлигини таъсинлаш ва ошириб

бориш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш лозим:

банк капитали барқарорлигини таъминлаш, унинг доимий ўсиб боришини рағбатлантириш, капитал базасини мустаҳкамлаш;

банкларда активлар диверсификациясини таъминлаш, хусусан, инвестиция фаолиятини ривожлантириш, банкларнинг фонд бозоридаги операциялари кўламини кенгайтириш;

банкларда ресурслар муаммосини самарали депозит сиёсатини олиб бориш, узоқ муддатли қимматли қоғозларни (субординар қарз) муомалага чиқариш орқали ҳал қилиш;

банкларнинг самарали ишлаши ва рентабеллигини оширишда фоизсиз даромадларнинг улушини кўпайтириш, рақамли банк хизматларини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони
2. Laeven, L., & Majnoni, G. (2003). Loan loss provisioning and economic slowdowns: Too much, too late? *Journal of Financial Intermediation*, 12(2), 178–197.
3. Суровнева К. Инструментарий оценки устойчивости российских банков, диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Санкт Петербург, 2018.
4. Абдуллаев А.Я. Тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил
5. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.
6. Бозоров Р.Ҳ. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари. // “UzBridge” электрон журнали. – 2019. -№2. -82-90 стр.
7. Азимова Ҳ.Э. Тижорат банкларида молиявий барқарорликнинг аҳамияти. // *International Journal of Economy and Innovation*. Volume: 24 | 2022. – Pp. 543-548.



8. Шарипова Н.Х. Банklar молиявий барқарорлигини кучайтиришда киберхавфсизликни таъминлаш масалалари. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари// 2022 й.

9. Аҳмедов М.У. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини ошириш масалалари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. №10. 2011. – Б. 47-52.

10. Жаҳон банки маълумотлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг маълумотлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

13. www.statista.com сайти маълумотлари